

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Вилоят ҳокимлиги “Ягона
буюртмачи хизмати” инжиниринг
компанияси директори



А.Арамов

2021 йил

**Жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон, Олтинсой ва Узун туман ВСХ қисмини
мукаммал таъмирлаш объекти бўйича энг яхши таклифларни танлаш
комиссиясининг**

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 02-95/2021

“ 13 ” сентябр 2021 йил

Термиз ш.

Вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган эркин танлов савдосини ўтказиш бўйича баҳолаш комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда қатнашдилар:

Баҳолаш комиссияси раиси

1. А.Арамов Сурхондарё вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директори

Баҳолаш комиссияси аъзолари

2. Т.Холов Сурхондарё вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директор ўринбосари
3. А.Мамадаминов Сурхондарё вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бош муҳандиси
4. Э.Чоршанбиев Сурхондарё вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бўлим бошлиғи
5. Р.Джумаев Сурхондарё вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бўлим бошлиғи

КУН ТАРТИБИ :

Жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон, Олтинсой ва Узун туман ВСХ қисмини мукаммал таъмирлаш объекти юзасидан талабгорлар тақдим этган 1, 2-paket хужжатларни очиш ва энг яхши таклифларни танлаш орқали қолибни аниқлаш.

Кун тартибидаги масала юзасидан А.Арамов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги 684-сонли қонунга асосан

ушбу объектнинг қурилиши бўйича пудрат ташкилотни танлаш юзасидан танлов ўтказилиши тўғрисида эълон 2021 йил 01 декабр куни (Лот№7176778) xarid.uz электрон порталига жойлаштирилганлиги ва шу асосда энг яхши таклифларни танлаш савдоси ташкиллаштирилганлиги ва қуйидаги талабгорлар ҳужжат топширганлигини маълум қилди.

№	Пудратчи ташкилот номи	ИНН рақами
1	"Баходир Имкон" МЧЖ	304325461
2	"Best Surxon Story" МЧЖ	307012952
3	"Буюк Бинокор Келажак" МЧЖ	304660885

Баҳолаш комиссияси раиси А.Арамов сўзида давом этиб, пудратчини танлаш ва эркин танловини ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги 684-сонли қонунга мувофиқ пудратчи ташкилотлар тақдим этган таклифларни кўриб чиқиши ва белгиланган тартибда қайд қилиниши ҳақида гапириб ўтди, талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилган, тўғри тузилган ва расмийлаштирилган бўлса, уларни кўриб чиқишга, ўрганишга ва талабгор талаб этилаётган малакага эга ёки эга эмаслигини аниқлашга рухсат берилиши ҳақида сўз юритиб, агар ҳужжатлар нотўғри тузилган ва тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилмаган бўлса, бундай таклифлар кўриб чиқилмасдан рад этилишини таъкидлаб ўтди.

Ушбу объект бўйича буюртмачининг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан - 234 249 450 сўм, қурилиш муддати 30 кун этиб белгиланган.

Шундан сўнг, унинг бу таклифи мажлис иштирокчилари томонидан маъқулланди ва комиссия эркин танловни ўтказиш натижасида объектнинг талабгор томонидан тақдим этган қиймати ғолиб деб топилса, ушбу қурилиш қиймати қайта кўриб чиқилмаслиги ҳақида комиссия аъзоларининг фикр мулоҳазалари эшитилиб муҳокама қилинди.

Шундан сўнг баҳолаш комиссияси томонидан талабгорларнинг тақдим этилган ҳужжатларининг тўлиқлиги, малакавий кўрсаткичлари бўйича маълумотлари, жумладан молиявий ҳолатлари, ўтган давр мобайнида бажарган ишлари, қурилиш машина, механизмлари борлиги ва инженер техник ходимларининг мавжудлиги бўйича маълумотлари ўрганиб чиқилиб, "Баходир Имкон" МЧЖнинг 1-paket ҳужжатларида 1-шакли тақдим этилмаганлиги сабабли таклиф рад этилди.

Жинойят ишлари бўйича Жарқўрғон, Олтинсой ва Узун туман ВСХ қисмини мукамал таъмирлаш объекти бўйича танлов комиссияси кейинги босқичга ўтган талабгорлар "Best Surxon Story" МЧЖ ва "Буюк Бинокор Келажак" МЧЖларнинг иккинчи пакет молиявий таклиф нархини ва бажариш муддатини ўқиб таништирди.

Талабгор: "Best Surxon Story" МЧЖнинг 2-paket бўйича таклиф этилаётган нархи қиймати қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 211 393 100 сўм, ишларни бажариш муддати – 27 кун эканлиги аниқланди.

Талабгор: "Буюк Бинокор Келажак" МЧЖнинг 2-paket бўйича таклиф этилаётган нархи қиймати қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 220 714 270 сўм, ишларни бажариш муддати – 25 кун эканлиги аниқланди.

Баҳолаш комиссияси томонидан объектнинг буюртмачи томонидан аниқланган бошланғич нархи ҳамда корхонанинг ушбу объект бўйича таклифи тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги, асосланганлиги ва амалга оширилиши мумкинлиги кўриб чиқилди ва шундан сўнг баҳолаш комиссияси аъзолари талабгорнинг таклифини ўрганиб чиқиб, таққослаб, "Best Surxon Story" МЧЖ нинг 2-пакети очилганда таклиф этилаётган нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 211 393 100 сўм, ишларни бажариш муддати – 27 кун бўлган таклифини энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топишди.

Корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни таққослаб, ўрганиб чиққан ҳолда эркин танлов савдосини ўтказиш бўйича баҳолаш комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:


1. "Best Surxon Story" МЧЖ томонидан тақдим этилган таклиф энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилсин ва бу оферент Жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон, Олтинсой ва Узун туман ВСХ қисмини мукамал таъмирлаш объекти бўйича энг яхши таклифларни танлаш савдоси ғолиби деб эълон қилинсин.

2. энг яхши таклифларни танлаш савдоси ғолибининг таклифига кўра объектнинг қурилиш қиймати қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 211 393 100 сўм, ишларни бажариш муддати – 27 кун этиб белгилансин.


3. Эркин танлов савдоси ғолиби билан шартнома (контракт) тузиш ва кейинги саволларнинг ечимини ҳал қилиш вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси маъмуриятига юклатилсин.


Баҳолаш комиссиясининг эркин савдони ўтказиш бўйича баённомаси савдо иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди ва унинг тузилиши тўғри деб топилди.

Баҳолаш комиссияси:


Т.Холов


Э.Чоршанбиев


А.Мамадаминов


Р.Джумаев